ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Саноқли ойлардан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллиги нишонланади. Истиқлолнинг етти йили, етти алп одими... Бу ҳақда етти достон ёзиш мумкин.

Дарвоқе, аждодларимиз қадим замонлардан буён 7 рақамини тимсоллаштириб, муқаддас ҳодиса сифатида қараганлар ва турмушдаги, маданий ҳаётдаги, табиатдаги айрим тушунчаларни шу рақамга боғлаш анъанасини яратганлар. Халқ тилига эътибор берсангиз, «Етти ўлчаб бир кес», «Етимнинг ҳаки етти дарёни қуритар» сингари мақоллар, «Етти букилиб салом бермоқ», «Етти қават кўрпача тўшамоқ», «Етти йўлнинг бошида турмоқ» сингари ибораларни кўплаб эшитасиз.

Булардан ташқари она тилимизда етти мўъжиза, етти хазина, етти иқлим, етти хил ранг, етти фалак, етти дарё, етти гўзал, етти донишманд, етти юлдуз сингари кўплаб тушунчалар ҳам бор.

7 рақами халқимиз тасаввурида омад, муваффақият белгиси, бахт ва эзгулик тимсоли сифатида анъанавийлашган.

Биз ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати» рукнини ташкил этдик. Унда мамлакатимиз вилоятларида эришилган муваффақиятлар галма-гал ҳикоя қилиб борилади. Бугунги ҳикоямиз Андижон вилояти ҳақидадир.

2-3- бетлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 16 апрель, пайшанба • № 46 (22.283).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: *қабул пайти.* А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 апрель куни Америка Қўшма Штатлари конгресси сенатори Сэм Браунбекни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Америкада Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бораётганини қайд этди.

— Минтақамизда сизни Марказий Осиёга қизиқиши баланд бўлган сенатор ҳамда Буюк ипак йўли стратегияси лойиҳасининг муаллифи сифатида кўпчилик яхши билади, — деди Ислом Каримов. — АҚШнинг Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор билан қараётгани ҳам диққатга сазовордир.

Сэм Браунбек самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Буюк ипак йўли стратегияси, мазкур лойиҳа доирасида минтақа хавфсизлиги муаммолари ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов ҳамда ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

ВАТАН ХАРИТАСИ

Самарқандда қувончли хушхабар тарқалди. Самарқанд тиббиёт институти госпитал хирургияси кафедраси мудири профессор Баҳром Турсунов Россия тиббий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Ўзбек олими эришган муваффақият мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти жаҳон миқёсида тан олинаётганлиги, бой илмий-маърифий меросимиз, бу борадаги азалий анъаналаримиз изчиллик билан давом этаётганлиги, замонавий фаннинг чинакам фидойилари етишиб чиқаётганлигининг ёрқин далилларидан биридир.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «XX асрнинг кескин бурилиш даврларида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида халқаро конференция давом этмоқда.

Конференция Кондрад Аденауэр жамғармаси ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Туркия журналистлар уюшмаси, «Немис тўлқини» телерадиостанцияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Анжуманда республикамиздаги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар, мутахассислар, журналистлар, мамлакатимиздаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этмоқда.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси ва «Кока-кола» компанияси томонидан ташкил этилган умумтаълим мактаблари жамоалари ўртасида кичик футбол бўйича мусобақа якунланди. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Урганч ва Нукуснинг энг яхши саккиз командаси иштирокидаги қизиқарли баҳсларда наманганлик ўқувчилар ғолиб чиқишди. Улар «Тошкент-1» жамоаси билан финал ўйинида 3:2 ҳисобида ғалабани қўлга киритдилар. Шунингдек, мусобақа якунлари бўйича наманганлик Аюб Отабоев, тошкентлик Садриддин Абдуллаев, Равшан Қосимов ва Ҳасан Қорабоевлар турнирнинг энг яхши футболчилари деб топилди. Улар «Кока-кола» компаниясининг бош мукофотига сазовор бўлиб, Францияда ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишди.

* * *

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси март ойининг бошларида «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни қуролли қучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чиқариш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Мамлакатимиз қуролли қучларининг барча қисмларида бўлажак аскарларни кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб қўйилган. Айни пайтда хизматга чақирилувчиларни армияга жўнатиш бошланди. Улар ўзлари мардлик, жанговор биродарлик мактабини ўтайдиган ҳарбий қисмларга кела бошладилар. Бу ерда улар Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўладилар.

* * *

Лондондаги халқаро теннис федерациясида Дэвис кубоги учун малака аниқлаш мусобақаси бўйича қуръа ташланди. Жаҳон теннисчилари гуруҳига чиқиш учун бўладиган мусобақада Ўзбекистон командаси Австралия жамоаси билан учрашади.

Бу тарихий учрашув 25-27 сентябрда Австралияда бўлади. Яқиндагина биз жаҳон гуруҳида иштирок этишни орзу қилардик. Бу гуруҳда сайёрамизнинг энг кучли 16 командаси куч синашади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнгтина бу орзуни ҳақиқатга айлантириш имкони пайдо бўлди.

Австралияликлар билан бўладиган ўйин спортчиларимиздан жуда яхши тайёргарлик кўриш ва фидойиликни талаб қилади. Чунки Австралия теннисчилари Дэвис кубоги бош совринини 26 марта қўлга киритган, яна 17 марта финалда ўйнаган.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ СИФАТИДА

ХХР бош вазири ўринбосари У. Бангонинг баёнотидан маълум бўлишича, Хитой беғараз ёрдам сифатида Корея Халқ Демократик Республикасига 100 минг тонна дон ва 20 минг тонна кимёвий ўғит етказиб беради.

Корея халқи оғир кунларни бошдан кечираётган бир пайтда Хитой ҳукуматининг бу қарорини КХДР юқори баҳолади, деб хабар беради Синхуа ахборот агентлиги.

Маълумки, сўнгги йилларда КХДРда юз берган табиий офат туфайли мамлакатда кўплаб экин майдонлари яроқсиз ҳолга келган ва шу боис очарчилик юзага келган эди.

КОЭННИНГ САФАРИ

Бугун АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэннинг Яқин Шарқ бўйлаб сафари бошланади. Бундан кўзланган мақсад Фаластин ва Исроил ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришдан иборат.

Пентагон вакилларининг хабар беришича, олти кунлик сафари давомида У. Коэн Иордания, Миср ва Исроилда бўлади. Шунингдек, у Туркия ҳамда Грециядa тўхтаб, Кипр хусусидаги келишмовчиликлар юзасидан музокаралар ўтказади ва НАТОга аъзо давлатлар мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилади.

АЁЛЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК УЧРАШУВИ

Куба пойтахтида «Тенглик, тараққиёт ва тинчлик учун» шиори остида аёлларнинг халқаро бирдамлик учрашуви бошланди. Унда 70 мамлакатдан келган 2 минг нафар иштирокчи қатнашмоқда.

Анжуманда аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрнини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, аёлларга зулм қилишга қарши кураш, оилани режалаштириш ва тинчликни сақлашда хотин-қизларнинг ўрни хусусида фикр алмашилади.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Ҳиндистондаги Мадҳия-Прадеш штати ички ишлар бошқармаси ходимлари 8,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги героинни қўлга олди.

Бомбейга йўл олган юк машинаси тўхтатилиб, текширувдан ўтказилганда унда наркотик модда борлиги аниқланди. Оғу билан савдо-сотиқ қилмоқчи бўлган уч киши ҳибсга олинди.

ЗАРАР МИҚДОРИ — 11 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Японияннинг «Ана» авиакомпанияси учувчиларининг қарийб бир ҳафтадан буён давом этаётган иш ташлаши оқибатида мамлакат иқтисодиёти 11 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

«Ана» шу вақтгача элликта халқаро йўналишдаги рейсни бекор қилган. Натижада ўн минг нафар йўловчи кўзлаган манзилига етиб бора олмаган.

УКРАИНАГА ТАШРИФ

Португалия Президенти Жоржи Сампайюнинг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда. Сафардан кўзланган асосий мақсад икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдир.

Киев учрашуви кун тартибидан Лиссабон-Киев автомагистралини қуриш масаласи ҳам ўрин олган.

ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Қирғизистон маданияти кунлари доирасида ўтадиган тадбирлар бошланиб кетди. Пойтахтда бошланган тантаналар вилоятларда давом этмоқда.

Шу муносабат билан Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистонда қирғиз элининг маданияти кунлари ўтиши халқларимиз учун ўта қувончли воқеадир. Шу ўринда Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг катта тарихига кичик сафар қилгим келади. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларнинг илдизи мустаҳкамлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Мустақиллик икки қўшни давлатнинг, икки қардош элнинг тақдирини гўёки бир-бирига янада мустаҳкам боғлаб қўйди. Қирғизистон ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз йўллари билан мустақиллик ислоҳотларини ҳаётга жорий этиб бормоқда. Иккала давлатнинг пировард мақсади эса битта — ҳуқуқий демократик давлат қуриш.

Давлатларимиз раҳбарлари мустақилликнинг биринчи йилидаёқ қирғиз-ўзбек муносабатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа жиҳатларига ҳуқуқий асос яратган эдилар. Бу кейинги алоқалар учун пойдевор бўлди. 1992 йилнинг май ойида Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муносабатлар доирасини янада бойитди. 1996 йил декабрда Қирғизистон давлат раҳбари Тошкентга келганида халқларимиз ўртасидаги абадий дўстлик ҳуқуқий тус олди. МДҲ давлатларида абадий дўстлик ҳақидаги биринчи ҳужжат имзоланди. Бу иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар учун кенг йўл очди.

Бугунги кунда Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон Республикалари ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий алоқалар туфайли халқларимиз бир-бирининг маънавий-маданий бойлигидан баҳраманд бўлмоқда. Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси тузилиши (унга машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов президент этиб сайланди) халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш учун хизмат қилмоқда. Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш давлатларимизнинг келажакдаги пировард мақсади бўлиб турибди.

Сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг теранлашиб бориши маданий алоқаларни ҳам изчил ривожлантирмоқда. «Манас»нинг 1000 йиллиги ўтказилганда Ўзбекистонда ўтган катта байрамларни, конференцияларни эсга олайлик. Амир Темурнинг 660 йиллиги Қирғизистонда ҳам кенг кўламда нишонланди.

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтишига ишонаман.

Салим АШУРОВ суҳбатлашди

ХАБАРЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

ЯПОНЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Пойтахтнинг «Яккасарой» маҳалласида урушдан кейинги йилларда юртимизда яшаб меҳнат қилган Япония фуқароларига бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбиркор Жалил Султонов Навоий ва Муқимий номли театрлар, марказий телеграф, авиация заводи, тўқимачилик комбинати каби йирик иншоотларни бунёд этишда қатнашган япон йигитларининг тақдирига оид ҳужжат ҳамда фотосурат ва баъзи буюмлардан иборат ўзига хос кўргазма уюштирди. Тадбирнинг очилишида Японияннинг «Чори», «Сентрал-Эйша» фирмалари вакиллари қатнашди.

Эркин УСМОНОВ

САЙЁҲЛАРГА «ЙЎЛБАРС» ЁҚДИ

Самарқанд Савдо коллежи қошида ташкил этилган бадиий сопол ҳунармандчилик устахонасида ихчам йўлбарслар тайёрланмоқда. «Бундай совға буюмларининг дастлабкиларини коллеж фахрийларига, ўқитувчи ва аълочи талабаларга совға қилдик», — дейди ўқув маскани директори Маҳмуд Ҳамроев. — Қизиғи шундаки, «йўлбарс»ларга хорижий сайёҳлар қизиқиб қолишди. Устахона келтираётган фойдадан қўшимча маош, талабаларга парҳез таомлар бериш йўлга қўйилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда Бангладеш Халқ Республикасининг мустақиллик куни муносиб нишонланди. Бангладешнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Хожа Шаржил Ҳасан жаноблари шу муносабат билан ўтказилган анжуманда ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлади. Йиғилишда сўзга чиққан республика Ташқи ишлар вазирлиги Осиё ва Африка бошқармаси бошлиғи Қодир Юсупов, Шарқшунослик институти профессори Тошмирза Холмирзаев ва бошқалар Ўзбекистон — Бангладеш халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланаётгани ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК

Оила йили муносабати билан ўтказилган «Энг ибратли келинчак» республика кўрик-танлови якунланди. Барча вилоятлардан тўпланган 14 нафар келинчак ўз имкониятларини намойиш этишди.

Талабчан ҳайъат аъзолари Тошкент вилояти вакиласи Садоқатхон Турсунбой қизига биринчи ўринни беришди. Тошкентлик Шаҳнозахон Йўлдошева билан самарқандлик Мавжудахон Очиловага иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўрин Фарғона вилоятидан Ўктамхон Маматова, Андижондан Муборакхон Ёқубова, Намангандан Маликахон Маҳмудоваларга берилди.

Умида МАНСУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Кун ўтади, ой ўзгаради, фасллар алмашади. Аммо, ўзбекнинг табиатидаги икки хислат ҳамиша боқий, ҳамиша теран.

Биринчиси, ундаги меҳмондўстлик, одамшивандалик, сахийлик хислатлари.

Иккинчиси, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва ҳар бир ўзбекнинг томирларида жўшиб оқаётган ватанга муҳаббат туйғусидир. Айнан шу ҳиссиёт қалбни жунбушга келтиради, оромини ўғрилайди, она-тупроғи сари етаклайди, киндик қони тўкилган жойни саждагоҳ деб англашга чорлайди.

Андижон деганда андижонлик кўз ўнгида исёнкор Дукчи Эшон, рус савдогарларини ҳам доғда қолдирган Миркомилбой, мачиту мадрасалар бунёд этган Аҳмадалибой сиймолари намоён бўлиши табиий.

Ўзбек миллий маданияти, хусусан, театр санъатининг тамал тошини қўйган алломалар номини бир хотирангизга келтиринг. Бу рўйхатнинг бошида Комил Яшин, Ҳалима Носирова, Аббос Бакиров, Асад Исматов, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева... Эҳ-ҳе, бу буюк алломалар номини санаб адоғига етиш мушкул.

Андижон олимларини фан-техника тараққиётига қўшган ва қўшаётган ҳиссалари ўзи алоҳида бир достон.

Ана шундай мустаҳкам маданий-маънавий илдизга эга бўлган кўҳна ва айни чоғда доимо навқирон вилоят истиқлол тонгидан иккинчи ҳаётини бошлади. Мана, еттинчи йилдирки, Андижон истиқлол бешигида эркаланиб, нозланиб, яйраб-яшнаб улғаймоқда, бўй-бастини ростламоқда.

Аслида тарих олдида етти йил бир ушоқдай гап. Бироқ, гуллаган водий ичра гўзал шамчироқ бўлиш учун мана шу давр кифоя қилганига шак-шубҳа йўқ.

Истиқлол аллалаган Андижон тўлишиб, камолга етиб, энди ўзи мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаётганидан ғурурланмай бўладими? Ростини айтганда, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси шуҳрати ўн йиллар Андижон обрў-эътиборини мамлакатга, жаҳонга кўз-кўзлаши мумкин эди. Бироқ, андижонликлар кўл бўлиб чайқалишни ор билдилар, дарё бўлиб оқишни афзал кўрдилар. Шу андиша боис пахтачиликда «Андижон усули» туғилди,шу жойда йўргакланди,оёққа турди ва энди у бутун мамлакат деҳқонларининг иқтисодий-маънавий мулкига айланди.

Лекин бу ҳам Андижоннинг алп юришини тўхтатмади,қалбига хотиржамлик уруғини сеполмади.Аксинча,бу ташаббус кейингиларига йўл очаверди.

Республика иқтисодиётини кўтариш учун ғалла мустақиллигини таъминлаш зарур эди.Бу кураш майдонида ҳам биринчилардан бўлиб Андижон кўринди ва вилоятда 60-70 центнерчилик ҳаракати кенг авж олдирилди.Булоқбоши,Шаҳрихон,Марҳамат ва бошқа туманларда ғалла етиштириш бўйича тажриба мактаблари яратилди.Кейин аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талаби кўндаланг турди ва вилоятда соя ўсимлигини етиштиришга киришилди.Умуман қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши республика раҳбарияти эътиборини жалб этди.Барча вилоятларнинг ҳокимлари Андижонга келишиб, бу ердаги янгиликлар,изланишларни ўз кўзлари билан кўришиб,ўрганишиб,тан беришиб кетдилар.

Энг муҳими, ҳар бир андижонлик қалбига нури сиёҳ бўлиб ёзилгани, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бир неча бор вилоятга ташриф буюриб, қишлоқ меҳнаткашларининг мислсиз жасоратларига катта баҳо берганлиги, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаганлиги ва олқишлаганлигидир.

Андижон нафақат иқтисодиётда, шу билан бирга маданий-маърифий жабҳаларда ҳам жадал одимлади. Халқ таълимида «Андижон тажрибаси» деган иборанинг пайдо бўлишиёқ, вилоятда «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан гувоҳлик беради. Мулоҳаза учун факт: республика Халқ таълим вазирлиги кейинги икки йилда вилоятда олти марта семинар-кенгаш ўтказиб, андижонча таълим усулини мамлакат миқёсида оммалаштирди.

Биз бугун вилоятда қад ростлаётган замонавий касалхоналар, туғуруқхона комплекслари, поликлиникалар тўғрисида тўхталиб ўтирмаймиз.

Биз бугун Андижон кўркига кўрк бўлиб қўшилган, жаҳон андозалари даражасидаги аэропорт, теннис кошонаси, «Ипак йўли», ўнлаб қўшма корхоналар каби мустақиллик неъматлари ҳақида ҳам тўхталмаймиз.

Жаҳоннинг Тошкент ва Самарқанддек гўзал шаҳарлари билан бўйлашса бўйлашгудек Андижоннинг тунги ёғдуси, тунги жозибасини ҳам қаламга олмаймиз. Аммо, ҳақиқий ифтихорга арзигулик бир ҳолатни қайд этмаслик мумкин эмас: бу, андижонликлар онгидаги, дунёқарашидаги катта ўзгаришлардир. Бугун андижонликлар ўз шаҳарлари қиёфаси, ҳусни-жамолига боқиб, унда мустақил юрт истиқболини тасаввур этмоқдалар.

Зеро, вилоятдаги ўзгаришлар Ўзбекистонимизнинг буюк келажагидан кафолот беради. Бугун Андижон мамлакат истиқболининг йўлчи юлдузи мисол халқ онгига, шуурига, тафаккурига ёруғ нур олиб кирмоқда.

И. КАРИМОВ:
Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, бетакрор табиати, сахий ва мард, ғурурли, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном таратган.

ИСТИҚЛОЛ ОҒУШИДА ЯЙРАР АНДИЖОН

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

Фақат Андижон вилоятини эмас, балки бутун Фарғона водийсини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш имкониятини берувчи Хўжаобод газ омбори қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бу муҳим объектни шу йил ишга туширишу учун бутун имкониятлар ишга солинмоқда.

* * *

Ўтган йилнинг ўзида Андижон вилоятида 11 та қўшма корхона, завод, фабрикалар ишга туширилди. Кўплаб корхоналар чет эллик ҳамкорлар билан реконструкция қилинди.

* * *

Истиқлол йилларида Андижон вилоятида 50 минг ўқувчи ўрнига эга мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди.

* * *

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтган салкам 7 йилда Андижон вилоятида халқ таълими тизимида 37 та умумтаълим лицейи ташкил этилди. Уларда беш ярим минг ўқувчи таълим олаяпти. Шунингдек, 25 та гимназия очилди. Бундай билим масканларида олти минг ўғил-қиз фан сирларини ўрганишяпти.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

1997 йилда 81 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг негизида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий, масъулияти чекланган ва жамоа корхоналари таъсис этилди.

* * *

Қишлоқ инфрастуктурасини ривожлантириш дастурига асосан барча манбалар ҳисобидан Андижон вилоятида 1997 йилда 565,4 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 21 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

* * *

Андижон шаҳридаги 3-туғуруқхона мажмуи ва 1-болалар шифохоналари 400 млн. иенлик замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди.

* * *

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгашининг 1173 та бошланғич ташкилотида 38 минг 428 нафар партия аъзоси бор. Улар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этяптилар.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

Андижон вилояти аҳолиси 1990 йилда 1 миллион 760 минг 900 киши эди. 1998 йилнинг январь ойидаги ҳисоб-китобларга кўра, 2 миллион 119 минг 700 кишига етди.

* * *

1990 йилда аҳоли жон бошига 763 рубллик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаттич 1997 йил якунида 33 минг 517 сўмни ташкил қилди.

* * *

Вилоятда 1990 йили аҳолига 166 миллион рубллик пуллик хизмат кўрсатилган эди. 1997 йилда бу натижа 4 миллиард 366 миллион 400 минг сўмни ташкил этди.

* * *

Вилоятда 3 та театр, 99 та кинотеатр, 73 та кино қурилма, 645 та кутубхона, 221 та клуб муассасалари фаолият кўрсатяпти.

* * *

Вилоятда 23 та стадион, 28 та теннис корти спорт ишқибозлари ихтиёрида.

* * *

1998 йилда вилоят бюджетининг бешдан бир қисми миқдоридаги маблағ соғлиқни сақлаш тизими учун сарфланиши кўзда тутилган.

* * *

1997 йилда вилоятнинг миллий даромади 65 миллиард 26 миллион сўм бўлди.

* * *

1998 йилнинг 1 апрелигача «ЎзДЭУавто»да 52323 та «Нексия», 21385 та «Дамас», 28200 та «Тико» ишлаб чиқарилди. Ёки мамлакатимизнинг бу йирик гигантида тайёрланган замонавий автомобиллар сони 101908 тага етди.

* * *

Вилоят аҳоли истиқомат жойларини ичимлик суви билан таъминланиши 1997 йилда 80 фоизни, газ билан таъминланиши 59 фоизни ташкил қилди.

ҲУРРИЯТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Истиқлол кишилар кўнглидаги яхши ниятлару режаларни рўёбга чиқариш имкониятини берди. Янгича фикрлаш, фидойилик билан сидқидилдан меҳнат қилиш кўпчиликнинг қалб амрига айланди.

Ҳайитбой ота Хотамқулов, Жалолқудуқ туманидаги «Уста Хотамқул» деҳқон(фермер) хўжалиги бошлиғи:

— Ҳаёт мустақиллик йилларида янгиланиш томонга ўзгарди. Етти йил етмиш йиллик эски қолипни парчалади. Фарзандларим билан тадбиркорлик йўлини тутдим. 30 бошдан зиёд мол боқиб маҳсулот етиштиряпмиз. Ҳаётимиз фаровон бўлишига аминмиз.

Саодат буви Маткарим ҳожи қизи, Шаҳрихон шаҳрида истиқомат қилувчи онахон:

— Яратганнинг шундай нурли кунларга етказганига шукр. Ёшим юздан ошганида муққадас ҳаж сафарини адо этиш насиб этди. Бу ҳуррият мукофоти, иншооллоҳ.

Маъмуржон Абдураззоқов, Балиқчи туманидаги «Чинобод» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи:

— Деҳқонча дангаллик амалий ишларда кўриняпти. «Андижон усули»да пахта етиштириш бунинг исботи.

Янгилик, шижоатли меҳнат пахтачиликка ривож, ҳосилга барокот беряпти.

Янгича ишлаш натижасида далаларимизда мўл ҳосил яратилиши мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайди.

ЎЗБЕК ОЛИМИ АМЕРИКАДА ТАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Боткин номидаги халқаро мукофот соҳиби, Андижон тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасининг мудири, кардиология марказининг бош директори, профессор Сайфитдин Турсунов умри ва илмини инсонларни юрак қон-томирлари хасталикларидан халос этишга, кўплаб шогирдлар тарбиялашга бағишлаган шифокор-олим, мураббий. Ўттиз йилдан ошяптики, у юрак қон-томирлари касалликларини аниқлаш, даволаш ва улардан сақланиш хусусида изланади.

Жонкуяр олимнинг ташаббус ва ғайрати, илмпарвар инсонларнинг кўмаги билан Андижон кардиология маркази ҳиссадорлик жамияти ташкил топди. Тўрт йил давомида ушбу марказда юзлаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. 1993 йилнинг кўкламида марказ шифокорлари Киев кардиохирургия илмий текшириш институти директори, академик Г. В. Книшов иштирокида мамлакатимизда биринчи бўлиб Андижонда мураккаб юрак операциясини бажардилар. Ҳозиргача муваффақиятли амалга оширилган бундай операциялар сони икки юзга етди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли ватандош олимларнинг меҳнатлари, илмий-тадқиқотлари оламга ёйилди. Дунёга донғи кетган илм масканлари улар билан алоқа боғладилар. Сайфитдин Юнусович Турсунов ҳам республикамиз пешқадам тиббиёт олимлари қаторида Нью-Йорк Фанлар академиясининг академиги бўлди. Академия ойномасида чоп этилган олимнинг сурати уни бутун дунёга танитди. Бу Ўзбекистон олимларининг илм-фан, соғлом авлод камоли йўлида собитлик билан изланиб, ишлаётганликларининг шарофатидир.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ТИКЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли автомобиль йўлларининг халқаро юк ва йўловчи ташишдаги аҳамияти янги босқичга кўтарилди. Бундан юз йиллар аввал элу давлатларни бир-бири билан боғлаган карвон йўллари бугунги кунда замонавий иншоотларга айланмоқда. Мағрибу Машриқни туташтирган Буюк ипак йўли тикланмоқда. Андижон — Ўш — Қашғар автомобиль йўлининг таъмирланиши ва мазкур йўналишда темир йўл қурилиши бўйича амалий ҳаракатлар жадал бормоқда. «Андижонавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бошқарув ҳайъати раиси Абдупатто Жўраевнинг ҳикояси ҳам шу жиҳатдан эътиборли.

— Иқтисодий тараққиётда ишончли транспорт инфратузилмасининг аҳамияти беқиёс. Ўтмишда Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқ ва Ғарб давлатлари халқлари ўртасида мустаҳкам савдо-сотиқ алоқалари, маданий-маърифий ҳамкорлик минтақамиз ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатган. Айни чоғда ҳам Андижон — Ўш — Қашғар йўлини таъмирлаб, ипак йўлининг тикланиши қадимий, миллий анъаналарнинг давоми бўлди.

Мамлакатимизнинг ташқи дунёга чиқиши учун янги имкониятлар очади.

Андижон — Ўш — Қашғар магистрал йўлининг 90 километри вилоятимиз ҳудудига тўғри келади. Жамоамиз ҳукуматимиз ҳамда вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан 42 километр масофада йўл қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатлараро йўлнинг вилоятимиз ҳудудидаги қисми замонавий талаблар даражасида жаҳон андозалари асосида барпо этилади. Темирйўл ва йўллар кесишган жойларда 9 та сунъий иншоот — йўл усти ва ости йўли (кўприклардан ташқари) ўтказилади. Айни пайтда иншоотларнинг лойиҳалари тайёрланмоқда.

Йирик сунъий иншоотларни (йўл усти ва ости йўли) қатор шерик жамоалар билан биргаликда қурамиз. Катта қўламдаги ишни биринчи марта бажараётганимиз учун Германия, Швеция, Япония, Хитой сингари давлатларда бўлиб, тажриба ўрганиб келдик.

Андижон — Ўш — Қашғар автомобиль йўлининг таъмирланиши билан вилоятимизнинг Шаҳрихон, Хўжаобод туманлари ўрамида сервис хизмати кўрсатиш мажмуи барпо қилинади. Бу жойларда сервис, телефон, алоқа, маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари бунёд этилади.

Пахтачиликда «Андижон усули» туғилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, шу қисқа давр ичида бу усулнинг довруғи бутун республикамизга ёйилди. Андижонликлар мамлакатимиз пахтачилигининг ҳақиқий яловбардорига айланишди.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ



ҲАЙРАТ ВА ҒУРУР

Инсон ҳамиша ғурур билан яшайди. Ғурури баланд одам чинакам ватанпарвар бўлади. Ватанни севмоқ эса иймондандир. Ватанда яшаб, Ватандан ғурурланмаслик фақат манқуртларга хос хислат. Зотан, Ўзбекистондай гўзал ва жаннатмакон диёрдан ғурурланмаслик, ифтихор туйғусини ҳис этмаслик асло мумкин эмас...

«ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг муҳташам маъмурий биноси йўлакларида юриб, хаёлимиздан айнан шу фикрлар кечди. Мана шундай кошона Андижоннинг мўъжазгина бир шаҳарчасида қад ростлаши кимнинг тушига кирибди, дейсиз?! Етмиш йилда тўрт қаватли иморат ҳам ўринлатиб қурилмаган эди. Атиги бир ярим йилда бўй-басти жаҳон андозаларига ярашган улкан автомобиль гиганти барпо этилди ва унинг мўъжизакор «Тико», «Дамас», «Нексия»лари бугун «Мерседес», «Форд», «Опель» каби замонавий машиналар билан қувлашиб юрибди. Бунисига нима дейсиз? Бу ниманинг маҳсули?

Бу ўз юртингга ўзинг хўжайин эканлигингнинг шарофати.

Бу ўзингга ўзинг беклигинг тимсоли. Ахир бу кунлардан, бу ишлардан ғурурланмай бўладими?

Энди мана бу рақамнинг мағзини чақинг. Қўшма корхона автосалонида йўлчи юлдуздай, Ўзбекистонимизнинг нурафшон йўлига рамзий ишорадай ялтираб турган оппоқ «Нексия»ни кўрганмисиз? Мана шу илк қалдирғоч пешонасига муҳтарам юртбошимиз томонидан қўйилган дастхатга боқиб, қалбингизда ўзбеклик ғурури, ифтихори жўш урмаганми? Мустақиллигимизнинг илк меваси бўлмиш мана шу автомобиль ишлаб чиқарилгандан буён бор-йўғи икки йилча вақт ўтди, холос. Бугун корхона ҳовлисига мунчоқдай терилган «дулдул»ларни кўриб, кўзингиз қувонади, дилингизда беклик, ҳурлик ҳисси жўш уради.

Ўшанда бу ерда ишлайдиганларнинг салмоқли қисми кореялик мутахассислар эди. Ҳозир тўрт минг кишилик жамоада атиги 14 та хорижий шерик меҳнат қиляпти, холос. Қолган 3986 таси Ўзбекистон фуқароси. Булар кечагина кетмон кўтарган деҳқонларнинг фарзандлари. Биз кетмон ҳақидаги фикрни бежиз ёдга олмадик. Бу ёқда бошқа гап бор. Атиги беш-олти йил илгари ўзбеклар пахта экишдан бошқага ярамайди, дейувчилар хира пашшадай ғўнғиллаб, асабимизга тош отишарди. Энг ёмони, ўзимиз ҳам шу мулоҳазага тан бериб қўя қолишимизга оз қолганди.

Хайриятки, истиқлол ўзбекнинг қудрати нечоғли беқиёс эканлигини кўрсатиш учун чексиз имкон яратди.

Хайриятки, юртбошимиз қалбимизга машъала олиб кирди, онгимизни, дунёқарашимизни ўзгартира олди, буюк мақсад билан яшашга даъват этди.

Хайриятки, томирларимиздаги авлодлар қони жумбушга келди, тарихимизни, маънавиятимизни тикладик. Келажагимизни яратиш учун астойдил енг шимариб курашга отландик.

Яна қўшма корхона мисолида фикрларни ойдинлаштирайлик, эътибор беринг, етти йил ичида бутун бошли мамлакат ўз қаддини тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлиши мумкинми? Мумкин экан! Бундай шарафга ёлғиз Ўзбекистон мушарраф бўлди. Бундай бахт Ислом Каримов бошлиқ омади кулган ўзбекларга насиб этди.

Машиналаримиз бугун Москвадаги Дмитрий полигонида «Опель» билан баб-баравар баҳоланиши тасодифми ёки қонуният? Бу «учар отлар»га ўзининг «АвтоВАЗ»дай гиганти бўла туриб, Россиядай нуфузли мамлакат асосий харидорлар сафидан жой олганлиги бежиз эмасдир?! «Тико»ларга Руминия, Белоруссия кўз тикиб тургани-чи? «Зарулём» журналининг кейинги сонлари кўпроқ «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида яратилаётган автомобилларнинг техник кўрсаткичларига бағишланаётганлигига нима дейсиз?

Корхона бугун ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш йўлидан бораётганлиги унинг порлоқ истиқболидан даракдир. Ҳозир кўпгина бутловчи қисмлар Кореядан келтириляпти. Аммо яна икки йилда бундай қисмларнинг 80 фоизи ўзимизда, ҳамдўстлик давлатларида тайёрланишига ишонасизми? Биз ишонамиз!

Биз бунга худди истиқлолимизга ишонгандай ишонамиз.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонамиз!

Ва яна шунга аминмизки, бугун фақат бир қўшма корхона атрофида шундай илиқ ва ёқимли фикрлар юритдик. Яқин келажакда бутун мамлакат равнақи, истиқболи тўғрисида ёниб сўзлаймиз, ғурурланиб гапирамиз, ифтихор ила куйлаймиз.

«АНТЕДТЕКСТАЙЛЗ» ЯНГИ КОРХОНА



Баҳор борлиқни яшнатиб безаётган кунларда Бобур номли Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бирлашмасида «Антедтекстайлз» қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга тушди. Мустақил мамлакатимизда биринчи бўлиб тўқимачилик корхоналари чиқиндиларини пахта толасига айлантириш ва калава ип тайёрлаш йўлга қўйилди. Арзимас баҳоларда сотиладиган чиқиндилар эндиликда қайта ишланиб, сифатли пахта толасидан қолишмайдиган даражага етказилди.

«Антедтекстайлз» йил давомида 2400 тонна чиқиндини «янгилайди» ёки 300 килограмм чиқиндини бир соатда қайта ишлайди. Юзга яқин ишчи-хизматчиларга янги ишчи ўринлари яратилиб маҳсулотнинг рақобатбардошлиги таъминланади.

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бирлашмасининг жаҳондаги таниқли фирмалар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши, чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳаракати яхши натижа бермоқда. Олмониянинг «Трютчлер» фирмасининг чиқиндиларни қайта ишлайдиган дастгоҳлар тизими келтиргани ҳам бунинг амалдаги мисолидир.

Қўшма корхона фаолият кўрсатгунга қадар тўқимачилик корхоналари чиқиндилари бошқаларга арзон-гаровга сотиларди. Замонавий технология туфайли бундай эскича ишлаш барҳам топяпти.

Вилоятда 25 минг тоннадан ортиқ пахта толаси қайта ишланганида 3000 тоннага яқин чиқинди чиқади. Бу чиқинди миқдори қўшма корхона учун доимий хомашё бўлади. Чиқиндиларни лойиҳада кўрсатилганидек, қайта ишланиши натижасида 1440 тоннага яқин саноатбоп пахта толаси олинади. Бундай пахта толасидан йигирилган калава ип экспортбоп бўлиши билан қимматлидир.

Янги қўшма корхонада кўплаб ёшлар меҳнат қиляптилар. Бош инженер Равшанбек Мамадалиев малака ва билимини кўплар қатори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлайжагини изҳор этди.

Янги қўшма корхонанинг ишга туширилиши ҳамюртларимиз қатори хорижлик ҳамкорларни ҳам хурсанд этди.

— Замонавий дастгоҳларни ўрнатиб ишга туширишда жараёнида ўзбек мутахассислари билан қадрдонлардек ишладик, — дейди германиялик монтажчи Питер Шульц. —Бу келгуси ишларнинг ривожланиш омили бўлади.

«Антедтекстайлз»нинг биринчи навбати қаторида келгусида калава ишлаб чиқарадиган машиналар ўрнатиш кўзда тутилгани қўшма корхонанинг қулочи кенгайишидан дарак беради.

МУҲАММАДҚОДИР ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БОКСЧИСИ

Таиландда қирол кубоги учун анъанавий турнирда Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг рингга чиқиши олқишларга сазовор бўлди.

Муҳаммадқодир 63 кг вазндаги россиялик, таиландлик, хитойлик кучли боксчилар устидан ғолиб чиқиб, финалда Олимпиада чемпиони, таиландлик машҳур боксчи Тамлан Камсингни мағлуб этди. Андижонлик чарм қўлқоп устаси Муҳаммадқодир Абдуллаевга олтин медаль билан бирга энг кучли боксчи соврини ҳам топширилди.

Андижонлик яна бир боксчи Тўлқин Турғунов (57 кг) турнирнинг кумуш медалини қўлга киритди.

МАРҲАБО, ЖАҲОН ТЕННИСЧИЛАРИ

«Буюк ипак йўли» халқаро теннис мусобақаси бошланишидан бир ҳафта олдин Андижон шаҳридаги «Андижон» теннис клуби меҳмонларни қабул қилишга тўла тахт бўлди.

Бу мусобақада 25 мамлакатдан катта ракетканинг 100 нафар таниқли усталари иштирок этади. Халқаро теннис федерацияси ҳомийлигида ўтадиган бу мусобақанинг соврин жамғармаси 30 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Спортчиларнинг келишига спорт мажмуининг барча бинолари ҳамда халқаро андоза талабларига жавоб берадиган саккизта теннис корти тўла таъмирланди. «Андижон» теннис клуби меҳмонхоналари ҳам янгиланди, спорт мажмуи атрофидаги маиший хизмат ва савдо иншоотлари тартибга солинди.

Мусобақа иштирокчилари учун турли-туман маданий дастур тузилди — улар вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, ижодкор жамоаларнинг концертларини, турли кўргазмаларни томоша қиладилар.

Вилоятнинг жаҳонга танилган спортчилари:

1. Боксчилар —***Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Тўлқин Турғунов, Темур Тўлаков, Сергей Михайлов.***
2. Оғир атлетикачи — ***Игорь Халилов.***
3. Байдаркачи — ***Татьяна Левина.***
4. Гимнастикачи — ***Анастасия Дзюньзяк.***
5. Миллий курашчилар — *ака-ука* ***Равшан ва Рустам Исҳоқов.***

МАНФААТДОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Булоқбоши туманидаги Кулла тикувчилик-трикотаж акциядорлик жамияти вакиллари Тошкентда ўтказилган республика савдо ярмаркасида хомашё сотиб олиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш юзасидан ўттизга яқин шартнома тузишди. Корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётгани ва энг аввало ишга масъулият билан ёндашилаётгани, ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммолари дадил ҳал этилаётгани туфайли ярмаркада яхши амалий алоқалар ўрнатиш мумкин бўлди.

Яқинда акциядорлик жамиятида бўш турган жойларда йигириш ва тўқиш цехлари ташкил этилди. Ҳозир уч сменада бир тоннагача трикотаж газлама ишлаб чиқарилмоқда.

—Ишимиздаги барқарорлик Олтинкўлдаги трикотаж газлама ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси ва унинг раҳбари Козимхон Алиев билан мустаҳкам ҳамкорликка асосланган, — дейди акциядорлик бошқаруви раиси Муҳаммадқодир Мадумаров. — Олтинкўллик ҳамкорларимиз ўтган йили бизга 215 тонна трикотаж газлама етказиб беришди, шундан биз деярли 83 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, сўнгги йилларда биринчи марта бир ярим миллион сўм соф фойда олдик.

Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, ҳар бир меҳнаткашнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш жамоанинг муваффақиятли ишлашига хизмат қилмоқда.

АНДИЖОН ЎН ЙИЛДАН КЕЙИН ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Абдуғани ота Ҳамидов, меҳнат фахрийси:

— Янги замон ўзгаришларини кўриб қувониб кетаман. Мустақил мамлакатим, унинг ажойиб гўшаси — Андижонни дунё билан бўйлашаётганидан ғурурланаман.

Дунёдаги жуда кўп мамлакатлар, шаҳарларда бўлганман. Ўзбекистоннинг, Андижоннинг ўн йилдан кейинги ҳолатини ҳамма ҳавас қиладиган даражада бўлишига ишонаман. Ўша кунларга етайлик, иншоолloҳ.

Комилжон Содиқов, мулкдор:

— Салкам етти йил давомида юртимизда бажарилган кенг кўламли ишлар келажакка пойдевор бўлди. Мулкдорлар кўпайди. Уларнинг меҳнатлари ривожланиш асосини мустаҳкамлаяпти.

Ўн йилдан сўнг, Андижоннинг чиройига маҳлиё бўлиб адашиб қолиш ҳеч гап эмас.

Фахриддин Ҳакимов, гимназия ўқувчиси:

— Ўн йилда оламшумул қувончли ишлар амалга ошади, деб ўйлайман. Юртбошимизнинг ҳаракати, иқтидорли тенгдошларимнинг илм-заковати бунинг кафолати.

«БАХТ ҚУШИ» ОМАД КЕЛТИРДИ

Андижон шаҳрилик Комилжон Ботировга яхши ният йўлдош бўлди. У Бобур халқаро жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Халқ банки билан ҳамкорликда чиқарган «Бахт қуши» лаҳзалик пул-буюм лотереясидан сотиб олди. Қарангки, ВАІ 2874 144 рақамли лотерея чиптасига «Нексия» автомобили ютуғи чиқди.

Комилжон Ботиров ва унинг оила аъзоларини қадрдонлари ютуқ билан қутлашди.

Қўш саҳифа материалларини Норбобо ШАКАРОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, Абдумутал АБДУЛЛАЕВ тайёрладилар. Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.
Навбатдаги қўш саҳифа САМАРҚАНД вилоятига бағишланади.

Шеър ва шуур

Абдулла ТУРДИЕВ

ҚОРАЧИҒИМ — ЯМ-ЯШИЛ ДУНЁ

МЎЪЖИЗА

Мен гулларнинг мавжини ичдим,
Шабнамларни ҳидладим тўйиб.
Ишқнинг асов дарёсин кечдим —
Ҳаётимни гаровга қўйиб.

Сўнгсиз уммон — чилвир соч — дарё,
Оҳ! Тўлқинлар мавжида нетдим?!
Чўкиб-чўкиб — мен бахти қаро —
Мўъжизага айланиб кетдим!!

КЎЗ ЁШЛАРИМ СИЙРАТИМГА ТОМАДИ...

Қодирийни йиғлаб-йиғлаб ўқийман,
Юрагимни тиғлаб-тиғлаб ўқийман.
Жасоратга ўзни чоғлаб ўқийман —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Дарвозани тақ-тақ урар Отабек,
Марғилонда ишқнинг йўли нечун берк?!
Отин гирён етаклайди «ошиқ бек» —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Жуфт тақдирга тақдир қўшар Зайнабни,
Заққумлайди муҳаббатли шаробни...
Тарозига қўйсам икки тарафни —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Не тонг, Шошга йўл тўшайди Марғилон,
Кумушга нақ ўхшайди Марғилон.
Ҳам қувонди, ҳам ўпшайди Марғилон —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Ўлим экан, аё, рашкнинг озори,
Хазон бўлди муҳаббатнинг гулзори.
Оҳ! Узилди икки дилнинг жуфт тори —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Ки, Отабек — Жулқунбойнинг ўзидир,
«Ўткан кунлар» — армон тўла сўзидир.
Боқ, юлдузлар ёпилмаган кўзидир —
Кўз ёшларим сийратимга томади.

Абдуллоҳ ном — суйган қули Оллонинг,
Ўлими бор... қабри йўқ Абдуллонинг...
Мен тишимни тишга босмай илло, минг —
Кўз ёшларим сийратимга томади!...

СЕНИ ҚУВОНЧИМНИНГ ГУЛЛАРИ ТОПДИ...

Ғазал гулшанидай ораста, сўлим —
О, қанча баҳорлар изингдан чопди.
Қиш айни қаҳрига олганда, гулим,
Сени қувончимнинг... гуллари... топди!!

ОРЗУИМ — САҲРОЛАРДА...

Орзуим — саҳроларда яратар чаман
Ва унда баҳс этар камалак ранги.
Кураш, тўлқинларга қучоқ очаман,
Йўлимни чулғайди ранглар оҳанги.

Ногоҳ хуруж бошлар тўзон бешафқат,
Ўнгимми?! Тушимми?! Ўйлайман:-не ҳол?
Кўзларим гўзаллик истайди фақат,
Гоҳо... кўз очирмас, афсуски, шамол!

МАШРАБ

Бир тириклик — шеърнинг овози —
Сукунатни йиртмоқ... истайди.
Ўлим -- лаҳза. Халқнинг эъзози —
Машрабини сиртмоқ... асрайди!!

АЁЛ

Бу малак БАҲОР...дан рўмол ўрайди,
ЁЗ...дан бир жуфт нақшин олма сўрайди.
Мевали дарахтдир — фасли айём КУЗ,
ҚИШ...да бошга ёққан қорни курайди!

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Ўзбекистон байроғи —
Юрак деган матодан.
Бизга ноёб бир туйғу —
Мерос Одам Атодан.
Зеро, «Ватанни севмак —
Иймондандур», азизлар.
Боқ, қалдирғоч қурган ин —
Айвондадур, азизлар.
Шу биргина ҳодисот —
Сим-сим ҳикмат булоғи.
Қалдирғочга ошиён —
Шифтда... Ватан тупроғи!
Бола очар бунда у,
Учиб-қўниб хотиржам.
Осойишта элга эш —
Жон қуши — қалдирғоч ҳам.
Бу ажиб бир синоат,
Англатар нени, айтинг?!
Улуғланар буюк юрт —
Байроғин ўпган пайтинг!
Не бахт, Ватан туйғуси —
Мерос Одам Атодан.
Ўзбекистон байроғи —
Юрак деган матодан!!

ДЕҲҚОН

Томирлар отаман заминни ёриб,
Ердан узилмаган оёқларимдан.
Шабнамлар ҳўплайман уватга бориб —
Кафтимда гуллаган қадоқларимдан.

Баҳор — қорачўғим ям-яшил дунё,
Дарахт-гул, майса-гул, бутун борлиқ - гул.
Кетмоним сопига қўнар-у, аё,
Ҳар тонг сайрашини тарк этмас булбул.

Кенжамми ё кампир келтирган чойдан —
Ҳордиқ чоғларимда туйганда кавсар...
Заҳматлар бўйлаган ўн икки ойдан —
Мулки деҳқон юртта тўкилади зар...

Ер билан сирлашиб тупроқни ўпган —
Молтопар чопоним зар эмас, илло.
Азалдан насиба улашиб кўпга —
Менинг қадоқ қўлим — ўзи бир тилло!

БУ ВАТАН ЎЧУН ЖОН ТИКАМИЗ!

Инсоннинг ташқи оламини унинг хатти-ҳаракати, гап-сўзи, муомаласидан билиб олиш унча қийин иш эмас. Аммо унинг ички оламини ҳадеганда билавермаймиз. Чунки ички туйғулар ниҳоятда яширин, сирли ва пинҳона бўлади. «Мулоқот»нинг 2-сонидаги Абдувосит Йўлдошев қаламига мансуб «Миллий ифтихор туйғуси» мақоласи ана шулар ҳақида баҳс юритган.

«Инсон сирли мавжудот», — дейди муаллиф. — У ўзида қарор топган фикрлар, ўйлар, мулоҳазалар, тушунчалар, эътиқодлар гирдобида яшайди. Унинг ҳаёти ҳам, бахт-иқболи ҳам, фожиаси ҳам ана шулар билан боғлиқ». Зеро, муаллиф таъкидлаганидай «Агар ўзбек бўлиб туғилган бўлсанг, қанчалик русча гаплашма, қанчалик бифштекс ема, дўппи ўрнига шляпа кийма, барибир сендан рус чиқмайди. Узбекликдан маҳрум бўлиб, русга ҳам айланолмай, икки жаҳон ораси бўлиб қоласан, холос».

Бинобарин, миллий ифтихор туйғуси бўлган одамгина ўз халқини севади, Ватанини қадрлайди. Ҳур ва озод Ватан учун садоқат билан сидқидил хизмат қилиш нақадар шарафли. Бугун бизнинг нафақат дунё минбарига чиқишимиз, балки онгу фаолиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳам шиддат билан тезлашаяпти. Энди илгаригидай Овруپо остоналаригача «Менинг Ватаним» деб айтмаймиз. Уйғонаётган миллий ифтихоримиз энди бунга йўл қўймайди. Ватан тупроғи — кўзларга тутиё. Инсонни роботга айлантириб улгурган собиқ тузум даврида кулгили бўлса-да, биз шундай йўл тутишга мажбур эдик. Ўзлигидан маҳрум, миллий ифтихори йўқ кишилар учун гўёки миллат ташвиши йўқ эди.

Зотан, энди, Ватан деганда аниқ ҳудудни — Ўзбекистонни тушунамиз ва унинг ҳимоясига жонимизни тикамиз. Бугун нафақат дунёқарашимиз, ҳатто жаҳон халқларига муносабатларимиз ҳам ўзгармоқда. Илгари хоржлик ҳар бир одамга «Жосус эмасмикин?» деган гумонли назар билан қарар эдик. Энди улар билан худди минг йиллик туғишганлардек ҳамкорликлар қилаяпмиз. Ўзбекнинг довруғини жаҳонга ёяяпмиз.



Ҳуррам Ҳайдаровнинг «Дунёвий хавфсизлик калити» мақоласида кўрсатилганидек, «Марказий Осиё халқлари тарихан бир этносоциологиянинг маҳсули бўлган ва давлатчилик тизимида яшаб, азалдан минтақа одамлари Амударё ва Сирдарё сувини ичиб қонган. Минтақавий муаммолар бугунги кунда ҳам умумий: (Орол денгизи, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари) мавжуд. Бу эса бундан буён ҳам қалин ҳамкорлик қилишга ундайди. Қайси бир давлат раҳбарияти ана шу тарихий заруриятни англаб етмаса, бу ҳол шу республика учун қўшимча ташвишлар ва муаммолар вужудга келтиради. Президентимиз айтганларидек, глобализмга фақат регионализм орқали борилади, яъни аввало, минтақавий яқинлашув амалга ошсагина, кейинчалик халқаро яқинлашув учун реал имконият, замин вужудга келади. Дунёвий хавфсизликка эришишнинг бош йўли — минтақавий жанжалларга, келишмовчиликларга барҳам бериш орқали амалга ошади.

«Туркистон ва Марказий Осиё» мақоласида: «Туркистон биронбир давлат ҳудудларини англатувчи сиёсий атама эмас, балки этножуғрофий атамалар сирасига киради», — дейилади. Ушбу ном билан Каспий денгизидан Олтойгача, Ҳиндиқуш тоғларидан то Уралгача бўлган масофалар кўзда тутиб келинган. Ҳатто бу минтақада топилган тошларда муҳрланган битикларда ҳам Турон ёки Туркистон сўзи ёзилган.

Немис шоири Хейнрих Хайне шеърият шайдоларига Ойбек, Миртемир, Хайриддин Салоҳ сингари шоирлар таржималари орқали яхши таниш. Янги сонда шоирнинг Абдулла Шер таржимасидаги шеърларини ўқиб ўйга толасиз.

Аҳад Ҳасановнинг «Дунё яхшиликдан яралган» мақоласи ўз даврининг билагон замондошлари «ХХ аср шарқининг буюк Робиндранат Тагори деб аташган» улкан истеъдод соҳиби Садриддин Айний хусусида ҳикоя қилади. Ундан ёзувчи ҳақида янги маълумотлар олишга муяссар бўласиз.

Ёзувчи Маҳкам Маҳмуднинг «Аҳли замондин яхшилик» мақоласида ажойиб фазилатлар соҳиби, Ўзбекистонда матбаачилик соҳасининг фидойиларидан бири, қалби дарё инсон Ислом Шоғуломов босиб ўтган нурли ва машаққатли манзилларни қоғозга туширган. Унда соддадил оила фарзанди бўлган бу заҳматкаш бир инсоннинг оддий ҳарф теруvчиликдан концерннинг бош директори лавозимигача босиб ўтган 55 йиллик меҳнат фаолияти шогирдона меҳр-муҳаббат билан ёритилган. Ботир Валихўжаев ва Солий Ҳасанов мақолалари буюк аждодларимиз — халқимиз ўтмиши ҳақида мунозара қилса, журналист Рашид Рауповнинг мақоласи бугунги мустақиллик йиллари қаҳрамонлари ҳақида баҳс юритади. Таниқли ёзувчи, ҳажв устаси Саид Аҳмаднинг «Устара тиғидаги битиклар»ини ўқиб бир шингил кулиб, ҳузур қиласиз. Ҳаётдаги мавжуд ҳар бир нарсанинг ўз номи, ўз вазифаси бор. Уни бошқача айтиш ва қўллаш мумкин эмас. Мустақиллик ҳамма нарсани ўз жойига қўйиб, ўз номи билан аташни талаб қилмоқда. Ҳаммасидан ҳам инсон қалбида ўзгаришлар содир бўлаётгани, виждон эркинлигини кўриб хурсанд бўламиз. Ҳеч шубҳасиз, тафаккурдаги бу уйғонишлар, ҳур фикр кўнгилларни, маҳаллаю кўчаларни, далалару водийларни, мустақил Ўзбекистонни ўз маърифати ва зиёси билан обод айлайди.

«Мулоқот» саҳифаларида

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА,
навбатчи Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.45.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Она билан бола, гул билан лола.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

«МЕҲР КЎРСАТАЙЛИК, МЕҲР»

ТОШКЕНТ. Юнусобод туманидаги 44-оилавий шифохонада ўтказилган тадбир ҳамширалар малакасини оширишга қаратилди. «Меҳр кўрсатайлик, меҳр» деб номланган «Ҳамшира-98» кўрик-танловида беш нафар тиббий ҳамшира ўзаро беллашди. Қизларнинг билимини ҳакамлар баҳолаб боришди. Кўрик-танлов ҳамшираларнинг ўз касб маҳоратини оширишида ўзига хос мактаб бўлди.

Танловдан сўнг дастурхонга сумалак тортилди, қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Муҳими, жамоа ўртасидаги меҳр-оқибат кўрик баҳона яна бир поғона кўтарилди.

Нигора АЗИМОВА

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи
«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган
КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ
қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Мудирнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари — фан номзоди (доцент) ёки фан доктори (профессор).
Ислом тарихи ва маданияти бўлимига етакчи илмий ходим — фан номзоди (доцент) ёки фан доктори (профессор).
Шу бўлимга бош илмий ходим — фан номзоди (доцент) ёки фан доктори (профессор).
Ўзбекистон халқларининг диний-маънавий меросини ўрганиш бўлимига бошлиқ — фан номзоди (доцент) ёки фан доктори (профессор).
Шу бўлимга катта илмий ходим — фан номзоди (доцент) ёки фан доктори (профессор).
Диний китобларни ўрганиш ва нашрга тайёрлаш бўлимига бошлиқ.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: 700069, Тошкент шаҳри Зарқайнар кўчаси, 18- боши берк кўча, 47-а уй.
Телефонлар: 40-17-97, 40-01-47.

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омборхонадан юк автомобиллари ва қишлоқ хўжалик техникаси учун
ПОДШИПНИКЛАР,
Украинада ишлаб чиқарилган пўлат тросс, 6 ст - 60 аккумуляторлари ва қурилиш материалларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7.
Телефонлар: 41-03-71, 41-15-71, 41-07-71.
Факс: 41-32-21.

Тошкент фармацевтика институти раҳбарияти ва жамоаси фармацевтик кимё кафедраси доценти Г.У.Тиллаевага онаси **Арофат ая ТЎҚСОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Республика Олий Мажлиси депутати Абдулла Ориповга падари бузруквори **Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Республика Олий Мажлисининг депутати Абдулла Ориповга отаси **Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академия Президиуми ва ЎзР ФА Бирлашган Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ЎзР ФА Президиуми Механика, бошқарув жараёнлари ва информатика фанлари бўлими илмий котиби Сапура Муҳамедовага онаси **Башорой ая НИЁЗАЛИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.